# ШАРТНОМА

2022 й. «27» 9 196-12-176-ХТ/2022-сон

"**GREAT MASTER OF KHIVA"** Х/К бундан буён матнда «Бажарувчи» (хизмат кўрсатувчи идора, корхона, муассаса ташкилот номи) деб аталувчи номидан рахбари Р.Бекчанов бир томондан ва **Хива туман ХТБ** бундан буён матнда «Буюртмачи» деб аталувчи номидан раҳбари С.Рамазанов фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди

**1. Шартнома предмети**

**1.1.** «Бажарувчи» кўрсатган(бажарган) хизмат турини «Буюртмачи»нинг мулки килиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Буюртмачи» эса кўрсатилган(бажарилган) хиизмат турини хақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

| № | Хизмат тури | Ўл. бир. | Микдори | Нархи | Умумий қиймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ЛДСП 1200х500х16мм | дона | 150 | 75000 | 11250000 |
| 2 | ЛДСП 1100х350х16мм | дона | 150 | 57000 | 8550000 |
| 3 | Кромачный лента | п/м | 1800 | 1041 | 1873800 |
| 4 | Сварить и окрасить металлический часть школьного парта | дона | 150 | 48500 | 7275000 |
| **5** | ЛДСП 16мм 350х500мм | дона | 300 | 43833 | 13149900 |
| **6** | ЛДСП 16мм350х200мм | дона | 300 | 26714 | 8014200 |
| **7** | Сварить окрасить металлический часть школьного стуля | дона | 300 | 28500 | 8550000 |
| **8** | Болт,гайка стяжка 40х6мм | дона | 3750 | 1150 | 4312500 |
| | **Жами** | | | | **62975400** |

**2.Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)**

**2.1.** Шартноманинг умумий қиймати **62975400** **( олтмиш икки миллион туккиз юз етмиш беш минг турт юз )** сўмни ташкил қилади.

**3. Тўлов шартлари**

**3.1.** «Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган хизмат тури миқдори суммасининг _30_ фоизини олдиндан 3 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган _70_ фоизи химат тури тўлиқ бажарилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

**3.2.** Тўлов тури ________тўлов топширикномаси______________

(тўлов талабномаси, тўлов топширикномаси, чек аккредетив ва бошкалар)

**4. Шартноманинг бажарилиш муддати**

**4.1.** Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизмат тури «Буюртмачи»га шартнома имзолангандан кейин 5 кун вақт ичида бажарилиши шарт.
**4.2.** Шартноманинг амал қилиш муддати:2022 йил «27» 09 дан 2022 йил «31» декабргача ўз кучида қолади.

### 5. Тарафлар ҳуқуқлари

**5.1.** «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:
**5.1.1.** Ушбу шартнома асосида белгиланган хизмат турлари ўз вақтида ва сифатли бажаришни «Бажарувчи»дан талаб қилишга;
**5.1.2.** «Бажарувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.
**5.2.** «Бажарувчи»нинг ҳуқуқлари:
**5.2.1.** Ушбу шартнома асосида белгиланган хизмат турлари учун олдиндан хақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда хисоб-китобларни амалга оширишни «Бажарувчи»дан талаб қилишга;
**5.2.2.** «Буюртмачи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, кўрсатилган хизмат турини қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

### 6. Тарафлар мажбуриятлари

**6.1.** «Бажарувчи» мажбурияти:
**6.1.1.** Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Буюртмачи»га кўрсатилаётган(бажарилаётган) хизмат турини бажариш;
**6.1.2.** Тегишли даражада сифатли кўрсатилмаган(бажарилмаган) хизмат тури тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бажарилмаган хизмат турини 1 кун ичида қайтадан бажариб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бажарилмаган хизмат тури баҳосини қайтариб бериш.
**6.2.** «Буюртмачи» мажбурияти:
**6.2.1.** Хизмат турини қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида хизмат турини қабул қилиб олиш;
**6.2.2.** Тегишли даражада сифатли бўлмаган хизмат тури аниқлангандан кейин, бу хақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Бажарувчи»ни огохлантириш.
**6.2.3.** Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

### 7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шарномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги қонунда назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.
7.2 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
7.3 Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига(буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
7.4 Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга хақли.
7.5 Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.
7.6 Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### 8. Форс-мажор ҳолатлари

**8.1.** Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.
**8.2.** Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

### 9. Низони ҳал қилиш тартиби

**9.1.** Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

**9.2.** Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.

### 10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

**10.1.** Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

**10.2.** Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

### 11.Томонларнинг коррупсияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупсияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

11.2. Томонлар коррупсияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (електрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

11.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин

### 11. Бошқа ҳолатлар

**11.1.** Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

**11.2.** Тарафларнинг бошқа талаблари: _________йук__________________________

**11.3.** Шартномага илова: _______________________________________________________

### 12. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари

| «БАЖАРУВЧИ» | «БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| “GREAT MASTER OF KHIVA” Х/К | **Хива туман Халк таълими булими** |
| | (бюджетдан маблағ олувчининг номи) |
| Манзил: Хива шахар Дуслик махалласи | Манзил:Хива туман Шомахулим махалласи |
| Тел/факс: 905787907 | Тел/факс.919150550 |
| х/в:20208000000921689001 | Х/Р 100022860332267092100075063 |
| Банк номи:АТ Халк б.н Хива филиали | Банк номи Марказий б.н Тош.ш ХККМ |
| МФО:00811 СТИР 305461562 | СТИР и 202016803 .МФО:00014 |
| ОКОНХ | ОКОНХ 97600 |
| Рахбар : Р.Бекчанов | Рахбар: С.Рамазанов |
| (Ф.И.Ш) | (лавозим) (Ф.И.Ш) |
| (имзо) | (имзо) |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XIVA SHAHRI XUSUSIY KORXONASI GREAT MASTER OF KHIVA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XIVA TUMAN ... TA'LIMI BO'LIMI

RO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: KV6063781213

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1.Loyihaning turi:** Shartnoma

**2.Loyiha nomi.**

Xiva tuman Xalq ta'limi bo'limi va "Great master of Khiva" x/к mahsulot yetkazib berish shartnomasi.

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot.**

Xiva tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yil 23-sentyabr kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

## XULOSA

Xiva tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan tomonidan ishlab chiqilgan qo'shimcha shartnoma loyixasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda "xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan.

**Xiva tuman Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**

**H.Rimberganov**
27.09.2022-yil

"Тасдиклайман"
GREAT MASTER OF KHIVA" Х.К
рахбари:

# *Мактаб ўқувчи парталари ва стулларини қайта таъмирлаш КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ*

Сўмда

| № | Жиҳозлар номи | Ўлчов | Микдо | Баҳоси | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ламинат 1200х500х16 мм | дона | 150 | 75000,0 | 11250000,0 |
| 2 | Ламинат 1100х350х16 мм | дона | 150 | 57000,0 | 8550000,0 |
| 2 | Кромачный лента | п\м | 1800 | 1041,0 | 1873800,0 |
| 3 | Сварить и окрасить металлическый часть школьного парта | дона | 150 | 48500,0 | 7275000,0 |
| 4 | ЛДСП 16мм 350х500мм | дона | 300 | 43833,0 | 13149900,0 |
| 5 | ЛДСП 16мм 350х200мм | дона | 300 | 26714,0 | 8014200,0 |
| 6 | Сварить и окрасить металлическый часть школьного стуля | дона | 300 | 28500,0 | 8550000,0 |
| 7 | Болт стяжка | дона | 3750 | 1150,0 | 4312500,0 |
| | | | | | |
| | **Всего** | | | | **62975400,0** |